



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељаги
буюк
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2023 йил 19 апрель, № 77 (8420)

Чоршанба

Сайтмига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 18 апрель куни Европа Иттифоқи делегацияси билан бўлиб ўтган учрашувида инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш соҳасида эришилган ютуқлар ҳамда ЕИ институтлари билан амалий ҳамкорликни кенгайтириш бўйича навбатдаги қадамлар кўриб чиқилди.

Европа томонидан қабулда ЕИнинг инсон ҳуқуқлари бўйича махсус вакили Имон Гилмор ва Марказий Осиё бўйича махсус вакили Терхи Хакала иштирок этди. Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликнинг бугунги юксак даражаси ва натижадорлиги катта мамнуният билан қайд этилди. Барча даражаларда фаол мулоқотлар давом этмоқда. Кейинги йилларда Европа томонидан тақдим этилган "GSP+" шароитлари туйғайли ўзаро савдо ҳажми ва муваффақиятли инвестиция лойиҳалари сони жадал ортиб бормоқда. Бундан ташқари, маданий-гуманитар

соҳада муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда. ЕИ вакиллари янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган орта қайтмас ислохотлар стратегиясини қатъий қўллаб-қувватлашни яна бир бор таъкидлади. Инсон ҳуқуқларини таъминлаш, фуқаролик жамияти, гендер тенгликни ривожлантириш, мажбурий меҳнатга барҳам бериш ва бошқа йўналишларда эришилган муваффақиятлар юксак баҳоланди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартишлар киритиш бўйича бўлажак референдумнинг аҳамияти қайд этилди.

Европа томони, хусусан, инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг кафолатларини янада кучайтиришни, шу жумладан, "Миранда қодалари" ва "Хабес корпус" институтини жорий қилишни, ижтимоий ва экологик ҳуқуқлар, ёшлар ҳуқуқлари, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришни, ўлим жазоси бекор қилинганини мустақамлаб қўйишни ва бошқа нормаларни кўзда тутувчи ўзгартишларни олқишлади. Минтақавий кун тартибининг долзарб жиҳатлари ҳам муҳокама қилинди, бўлажак кўшма тадбирларга тайёргарлик кўриш масалалари кўриб чиқилди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

СУВ ХЎЖАЛИГИ ВА ФАРМАЦЕВТИКА САНОАТИДАГИ ЛОЙИХАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 18 апрель куни сув хўжалигида ва фармацевтика саноатида амалга оширилаётган лойиҳалар ҳамда келгуси вазифалар муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказди.

Йиғилиш аввалида сув хўжалигидаги 4 та катта масала таҳлил қилинди. Булар — каналларда сув йўқотилиши, насос станцияларининг энергия истеъмоли кўплиги, сув захиралари камлиги ҳамда сув тежовчи технологиялар билан боғлиқ. Хусусан, каналларнинг фойдали иш коэффиценти пастлиги ва ички тармоқларда сув кўп йўқотилиши оқибатида қишлоқ хўжалигида йилига 4 миллиард 800 миллион доллар кам даромад олиняпти. Шу боис тажриба тарикасида

Жиззах вилоятининг Пахтакор туманида ёпиқ қувурли сугорилиш тизимини жорий қилиш мўлжалланмоқда. Давлатимиз раҳбари ушбу лойиҳа ташаббускорининг тақлифларини эшитиб, уни қўллаб-қувватлади. Бундай ишларни сув етказиб бериш харажатлари энг юқори бўлган Қашқадарё, Наманган ва Сирдарё вилоятларида ҳам амалга ошириш зарурлигини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда.)

Учрашув

ҲАМКОРЛИКНИ АМАЛИЙ МАЗМУН БИЛАН БОЙИТИШГА КЕЛИШИБ ОЛИНДИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Европа Иттифоқи инсон ҳуқуқлари бўйича махсус вакили Имон Гилмор ҳамда Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Терхи Хакала билан учрашув ўтказди.

Унда Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатларнинг ҳозирги ҳолати ҳамда истиқболлари, жумладан, парламентлараро алоқаларни ривожлантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасидаги ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Суҳбат давомида меҳмонларга Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари, гендер тенглик, меҳнат муносабатлари соҳасидаги жараёнлар, Олий Мажлис ва Ёшлар парламенти фаолияти ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Янги Ўзбекистонни барпо қилишда мамлакатда кеңайган муҳим сиёсий жараёнлар, хусусан, конституциявий ислохотлар ҳамда мазкур демократик янгиланиш ва ўзгаришларда парламентнинг ўрни алоҳида эътироф этилди.

Сенат Раиси Ўзбекистон Европа Иттифоқи билан асосий халқаро ҳамкор сифатида ўзаро манфаатли шериклини изчил ривожлантиришдан, бунда ўзаро муносабатларнинг барча йўналишини қамраб олиш учун биргаликда ҳаракат қилишдан манфаатдор эканини таъкидлаб ўтди.

Ўз навбатида, Европа Иттифоқи вакиллари Ўзбекистонда кейинги йилларда жамият ҳаётининг барча соҳасида кеңайган ўзгаришлар, ислохотлар изчиллигини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларни юқори баҳолади.

Мулоқот чоғида Ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизлар ҳуқуқларини кафолатлаш, уларнинг жамият ва оиладаги мавқеини мустақамлаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилгани алоҳида қайд этилди.

Учрашув якунида икки томонлама қамров жихатидан кенгайиб бораётган мулоқотни амалий мазмун билан янада бойитишга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

Мулоқот

ЖАМИЯТНИНГ БАРЧА ҚАТЛАМЛАРИ МАНФААТЛАРИ ИНОБАТГА ОЛИНГАН

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов ва бир гуруҳ депутатлар Тошкент вилоятида бўлиб, янгилаётган Бош қомусимизнинг мазмун-моҳияти, янги нормаларнинг аҳамиятини тушунтиришга бағишланган учрашувлар ўтказди.

Мазкур жараёнда аҳолига Конституциянинг тўғридан-тўғри амал қилиши, давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши, вакиллик ва ижро органларининг ўрни ва роли, Асосий Қонунимизнинг ижтимоий давлат қуриш, оила институтини мустақамлаш, мулкни ҳимоя қилиш каби принципиал қодалари ҳақида кенг ва атрофлича маълумот берилди.



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Маъмурий жарималарни тўлашда аҳолига қўшимча қулайликлар яратилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 332¹-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил 4 апрелда қабул қилинган Сенат томонидан 2023 йил 7 апрелда маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун қўлланиладиган жарималарни ихтиёрий равишда тўлашнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилди.

Шу билан бирга мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар маъмурий жарималарни тўлашда аҳолига қўшимча қулайликлар яратилишини, шунингдек суд қарорларига асосан қўлланиладиган маъмурий жарималарга нисбатан жарималар солиш тўғрисидаги қарорларни ижро этишнинг соддалаштирилган тартиби қўлланилишини тақозо этмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
REFERENDUMI
2023

**РЕФЕРЕНДУМДА МУДДАТИДАН ОЛДИН ОВОЗ БЕРИШ
19 АПРЕЛЬ КУНИ БОШЛАНИБ, 26 АПРЕЛЬ КУНИ
ЯКУНЛАНАДИ**

Референдум участкасида муддатидан олдин овоз бериш вақти иш кунлари: соат 9:00 дан 18:00 га қадар, дам олиш ва байрам кунлари соат 12:00 дан 16:00 га қадар этиб белгиланди.

Факт ва рақамлар

Конституция лойиҳаси билан 5 000 000 дан ортиқ юртдошларимиз танишган, 220 000 дан зиёд тақлифлар келиб тушган ва лойиҳа олти турдаги экспертизадан ўтказилган.

«Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида»ги Конституциявий қонун лойиҳаси Брайль алифбосида чоп этилди.

Бюллетенга «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Қонуннинг 29-моддасига асосан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2023 йил 10 мартдаги ҳамда Олий Мажлис Сенатининг 14 мартдаги қарорларида кўрсатилган масаланинг матни («Конституцияни қабул қиласизми?») киритилди ва овоз берувчи хоҳиш-иродасининг вариантлари «Ҳа» ёки «Йўқ» деб кўрсатилди. Шунингдек, бюллетенда уни тўлдириш тартиби тўғрисида ҳам тушунтириш берилди.

Марказий сайлов комиссияси маълумотлари асосида тайёрланди.

Хозиргача маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг 651 нафар ходими аккредитациядан ўтказилди.

Сиз «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида»ги «Ўзбекистон қиласизми?»

HA

YO'Q

«Халқ сўзи»

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Маъмурий жарималарни тўлашда аҳолига қўшимча қулайликлар яратилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 332¹-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида

⟨ Давоми. Бошланиши 1-бетда. ⟩

Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс томонидан жариманинг 50 фоизини ўн беш кун ичида ёки 70 фоизини ўттиз кун ичида ихтиёрли равишда тўлаш тартиби жорий этилишини назарда тутиб ўзгартиш киритилмоқда. Мазкур тартиб суд қарорларига асосан қўлланиладиган жарималарга нисбатан ҳам таъбиқ этилади.

Ушбу Қонун маъмурий жарималарни тўлашда жарималар юқини камайтиришга ҳамда маъмурий жарималарни ихтиёрли равишда тўлаш тизимини янада соддалаштиришга, шунингдек суд ҳужжатлари ва бошқа органларнинг ҳужжатлари ўз вақтида ижро этилишини таъминлашга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–ХІІ-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда; № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда; № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда; № 4–5, 126-модда; № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда; № 5–6, 102-модда; № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; № 5, 124-модда; № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда; № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда; № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; № 5, 67-модда; № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда; № 5, 90-модда; № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда; № 9, 498-модда; № 10, 536-модда; № 12, 656,

659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар; № 9, 416, 421-моддалар; № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар; № 9, 486, 488-моддалар; № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар; № 10, 380-модда; № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар; № 6, 231-модда; № 9, 335, 339, 341-моддалар; № 10, 380-модда; № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар; № 9, 247, 252-моддалар; № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда; № 9/1, 242-модда; № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; № 5, 130-модда; № 9, 244-модда; № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда; № 8, 310, 312-моддалар; № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда; № 4, 125-модда; № 9, 276-модда; № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда; № 6, 300-модда; № 9, 510-модда; № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар; № 4, 224-модда; № 7, 430, 431, 432-моддалар; № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар; № 2, 47-модда; № 3, 161, 165, 166-моддалар; № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар; № 7, 386-модда; № 8, 469, 471-моддалар; № 9, 591, 592-моддалар; № 10, 674, 676-моддалар; № 11, 787, 791-моддалар; № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда; № 3, 203, 204-моддалар; № 7, 449-модда; № 9, 539, 540-моддалар; № 10, 593, 596-моддалар; № 11, 651-модда; № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар; № 2, 142-модда; № 3, 217-модда; № 4, 290, 293-моддалар; 4-сонга илова; № 8, 800, 802, 803-моддалар; № 9, 903-модда; № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар; № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар; № 2, 80, 81-моддалар; № 3, 215, 216-моддалар; № 4, 337-модда; № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар; № 8, 667-модда; № 10, 981, 984-моддалар; № 12, 1189-модда) 332¹-моддасининг матни қуйидаги тахрирда баён этилсин: «Ҳуқуқбузар унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган

кундан бошлаб ўн беш кун ичида жарима миқдорининг эллиқ фоизини ёки ўттиз кун ичида жарима миқдорининг етмиш фоизини ихтиёрли равишда тўлаш тартибда, у жариманинг қолган қисмини тўлашдан овоз қилинади, бундан ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Жарима солиш тўғрисидаги қарорни ижро этишининг соддалаштирилган тартиби қуйидаги ҳолларда қўлланилмайди: ушбу Кодекснинг 131, 132, 136 ва 140-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик содир этилганда; жарима солиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилинганда ёки протест билдирилганда; худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилгандан кейин бир йил давомида тақдор содир этилганда».

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳаияти аҳоли ўртасида тушунтурилишини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳуқуқат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта қўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун 2023 йил 1 майдан эътиборан қучга кирди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2023 йил 18 апрель № ҲРҚ—830

ЯНГИЛАНЭТГАН БОШ ҚОМУСИМИЗ МАЗМУН-МОҲИАТИ ЮЗАСИДАН ФИКРЛАШИЛДИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева яқинда Сурхондарё вилоятининг бир қатор туман ва шаҳарларида бўлиб, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари, маҳаллалар фаоллари, талаба ёшлар, профессор-ўқитувчилар, тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли вакиллари билан учрашувлар сўзлашди.

Маҳаллий Кенгаш депутатлари билан ўтказилган учрашувларда парламент юқори палатаси ва Кенгашлар ҳамкорлигини янада кучайтириш масалалари, уларнинг худуддаги фаолияти, янги тахрирдаги Конституцияга киритилаётган нормалар мазмун-моҳиятига эътибор қаратилди.

Шунингдек, янгиланаётган Конституциядаги меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори инсоннинг муносиб турмуш даражасини таъминлаш лозимлиги, болалар меҳнати унинг соғлиғи, ҳафсизлиги, ахлоқий, ақлий ва жисмоний ривожланишига ҳафс солуви, жумладан, таълим олишига тўққонлик қилувчи ҳар қандай шакллари тақиқлови, ҳеч қимга унинг ролигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбуриятлар юқлатилиши мумкин эмаслигини аниқлаш нормалар юзасидан фикр алмашилди.

Термиз давлат университетиде уюштирилган учрашувда мажбурий меҳнатдан воз кечилгани, таълим муассасалари, ҳусусан, ОТМ талабалари ва

ўқитувчиларнинг бунга жалб этилишига чек қўйилгани, энг муҳими, бу каби исласотлар ортга қайтмас қилиб янги тахрирдаги Конституциямизга муҳрланаётгани, бунда давлат раҳбарининг сиёсий иродаси нақадар муҳим роль ўйнагани, бу исласотлар халқро майдонда юқсак баҳолангани, қатор тақиқларнинг олиб ташланиши, мамлакатимиз киритилган «қора рўйхат»лардан чиқиши учун бажарилган ишлар батафсил тушунтурилди.

Шу билан бирга, Т. Норбоева Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази, тиббиёт муассасаси, ишлаб чиқариш корхоналари, бир қатор маҳаллалар ҳамда умумий ўрта таълим мактабиде бўлиб, бу ерларда яратилган шартлар билан яқинда ургулади.

Сенат Раиси таширф давомида ижтимоий ҳимояга муҳож оилалар, оилавий болалар уйлари тарбияланувчилари ҳолидан хабар олди, уларнинг ота-оналари билан сўхбатлашди.

«Халқ сўзи».

ЖАМИЯТНИНГ БАРЧА ҚАТЛАМЛАРИ МАНФААТЛАРИ ИНОВАТГА ОЛИНГАН

Мулоқотларда фуқаролар янгиланаётган Конституцияда миллий кадриятларимиз, урф-одатларимиз, аънаналаримиз, шонли маданий, маънавий ва тарихий меросимизни сақлаш ва авлоддан-авлодга етказиш гояларининг акс этаётганини таъкидлаб, киритилаётган нормаларни эътироф қилди.

Элмурод МИРАЛИЕВ, Қуйи Чирчик туманидаги 45-мактаб директори:

— Мен 18 йилдан бери педагогик фаолияти билан шуғулламанам. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, жамиятни инсон, инсонни эса таълим ва тарбия ўзгартиради. Миллат ҳамда халқнинг ривожини, унинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, авваломбор, ўқитувчилар фаолиятига қилди.

Шу боис кейинги йилларда юртимизда ўқитувчи касбининг макомини ва обрўсини кўтариш, муаллим ҳамда устозларнинг кадрини, шаънини ва гурурини тиклаш, уларнинг моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватланишини таъминлаш, самарали меҳнат фаолияти учун муносиб шартлар яратиш бўйича кенг қўламли исласотлар амалга оширилмоқда.

Янгиланаётган Конституцияда ҳам давлат ўқитувчиларининг шаънини ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлигини, касбий жиҳатдан ўсишига гамаҳурлик қўрсатиши белгиланаётгани бизни жуда қувонтиради. Биз, албатта, бор куч ва имкониятларимизни ёшларни баркамол авлод қилиб тарбиялашга сафарбар этамиз.

Дилшод ТУРАЕВ, Қуйи Чирчик туманидаги Беруний номидаги МФЙнинг ёшлар етакчиси:

— Маҳаллаларда ёшлар етакчиси фаолияти йўлга қўйилгани ёшларнинг бўш вақтларини сама-

рали ташкил этиш, муаммоларни ўрганиш, янги истеъодларни кашф қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Янгиланаётган Конституциямизда ёшларнинг жисмоний, ақлий ва маданий ривожланиши учун энг яхши шартларни яратиш масаласида алоҳида урғу берилган.

Хусусан, Бош қомусимизда давлат ёшларнинг маънавий, интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан шаклланиши ҳамда ривожланиши учун, уларнинг таълим олиш, соғлиқни сақлаш, уй-жой, ишга жойлашиш, бандлик ва дам олишга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш учун шарт-шартлар яратилган, деган норма киритилмоқда.

Мазкур қоидалар ёшлар томонидан тўла қўллаб-қувватланмоқда.

Мархабо АБДУЛАЗИЗОВА, Бўкча тумани тиббиёт бўлими раҳбари ўринбосари:

— Сўнгги йилларда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасини тубдан такомиллаштириш, халқимизга сифатли тиббий хизмат қўрсатиш, аҳолининг репродуктив саламатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом авлод тарбиясини учун зарур шарт-шартлар яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, бу йўлда мисли қўрилмаган ишлар қилинди.

Муҳими, бугун тиббиётдаги ижобий ўзгариш ва янгиланишларни мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросини ўз ҳаётида, турмуш тарзида чуқур бис этмоқда. Янги тахрирдаги Бош қомусимизда ҳам давлат соғлиқни сақлаш тизимини, унинг давлат ва нодавлат шакллари, тиббий сугуртанинг ҳар хил турларини ривожлантириш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш чораларини қўри-

ши мустаҳкамланаётгани эътиборга молик.

Тожиҳон ЙЎЛЧИБОЕВА, Бўкча туманидаги «Янги-ҳайт» МФЙ раиси:

— Маҳалла жамиятнинг муҳим таънч бўғини ҳисобланади. Шу маънода, мамлакатимиз тараққиётининг янги даврида ҳаётбахш исласотлар самарадорлигини оширишда маҳалланинг ўрни ва мавқеи юқсалиб борапти. Буни амалиётга жорий этилган янги тизим — «Бешлик» мисолида ҳам қўришмизи мумкин.

Маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилактика инспектори бириллаш, маҳаллада қандай муаммо бўлса, жойида ҳал этмоқда, юрт тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги йўлида сидқидилдан меҳнат қилиб, исласотлар драйвери бўлмоқда.

Раҳим ОБИДОВ, меҳнат фаҳрийси:

— Янгиланаётган Конституцияда жамиятнинг барча қатлами манфаатлари инноватга олингандан маҳалламиз фуқаролари жуда ҳурсанг. Эътиборлики, аҳоли давлатнинг гамфурлигини сезгапти.

Янгиланаётган Бош қомусимизда ҳам пенсия, нафақа ва бошқа ижтимоий ёрдамнинг миқдорларини энг кам истиёмол харажатларидан оз бўлиши мумкин эмаслиги белгиланипти, давлатимиз уй-жойли бўлиш, бепоул тиббий ёрдам, касбунара ўрганиш, етарли иш ҳақи ва пенсия олиш учун қонуний имконият яратишини бўйича олапти.

Мазкур нормалар ҳаммаимизнинг келгуси тақдиримиз учун жуда муҳим. Шу боис оила азъоларимиз билан референдумда фавол иштирок этамиз.

«Халқ сўзи».

СУВ ХЎЖАЛИГИ ВА ФАРМАЦЕВТИКА САНОАТИДАГИ ЛОЙИХАЛАР КўРИБ ЧИҚИЛДИ

⟨ Давоми. Бошланиши 1-бетда. ⟩

Бунга илм билан ёндашиб, лойиҳа харажатларини қисқартириш, ёпиқ қувурли сугориш тизимини жорий қилиш бўйича икки йиллик дастур ишлаб чиқиш юзасидан топширилган берилди.

Маълумки, узок далаларга сув насос станциялари ёрдамида етказилади. Уларнинг ақсарияти эскилиги туфайли электр энергиясини истеъмол қилмоқчи. Хали бирорта ҳам ийрик насос станциясини муқобил энергия манбаига ўтказилмаган. Шартлар аниқ белгиланмагани сабабли қўп тадбиркорларнинг лойиҳалари тўхтаб турибди, бюджетдан электр учун катта маблағлар сарфлангепти.

Шу боис насос станцияларини ҳусусий шерикликка бериш, уларда муқобил энергия манбаларини жорий қилиш бўйича қўрсатмалар берилди. Бунга «Тошкент иригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» миллий тадқиқот университети олимлари жалб қилинади, самарали лойиҳаларга қулай шартларда кредитлар берилди.

Минтақамизда сув танқис бўлган бир шариотда, юртимизда йилига 1 миллиард куб метр сел сувлари беҳуда оқиб кетаяпти. Президентимиз сел сувларини кичик манбаларда жамғириш мумкинлигини, бу борада ташаббускорларни қўллаб-қувватлаш зарурлигини таъкидлади. Бундай лойиҳалар учун 100 миллион доллар жалб қилинадиган бўлди. Уларнинг ҳисобига сув чиққан майдонлар тадбиркорларнинг ўзлари узок муддатга эркин фойдаланиш учун берилди. Ҳозирги кунда 450 минг гектар ёки сугориладиган майдонларнинг 15 фоизи лазерли технологияда текисланган. Агар бундай ерлар 2 баравар кўпайтирилса, яна 900 миллион куб метр сув тежалади, қўшимча 200 минг гектарда сув таъминоти яқшилади.

Шунинг учун жорий йилда мингта лазерли текислагич олиб келиниши, кластерлар томонидан фермерларга лазерли текислаш хизматлари йўлга қўйилиши белгиланди.

Сўнгги йилларда 400 минг гектарда томчилатиб ва ёмғирлатиб сугориш технологиялари жорий қилинган. Бу йил яна 80 минг гектар майдонда ишлар бошланган.

Бундай технологияларни янада рағбатлантириш мақсадига, шу йил 1 апрелда имзоланган қарорга мувофиқ, донли экинлар ва сабзавот етиштиришда сув тежовчи тизим жорий қилинган ҳар бир гектар учун субсидия миқдори ҳўзирги 1 миллион сўмдан 8 миллион сўмга оширилди. Банк кредит ставкасини фермерлар учун 17 фоиз этиб белгиланди.

Онокология ва онкогематология учун зарур бўлган дори воситалари ва моддаларни хориж технологиясини асосида юртимизда ишлаб чиқариш имкониятини қўрсатиб ўтилди. Соҳадаги қўллаб қорхоналарнинг GMP сертификатли талабларига мослаштириш вазифаси қўйилди.

Тошкент фармацевтика кластеридаги лойиҳаларни жадаллаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Ў.А.

Ўзбекистон — Европа Иттифоқи:

АЛОҚАЛАР ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов Европа Иттифоқи инсон ҳуқуқлари бўйича махсус вакили Имон Гилмор ҳамда Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Терхи Хакала билан учрашди.

Биз ва жаҳон

Мулоқот аввалида делегация азъоларига Ўзбекистонда амалга оширилаётган конституциявий исласотлар ҳамда Бош қомусимизга киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар ҳақида сўзлаб берилди.

Янгиланаётган Конституцияда аҳолининг барча қатлами манфаатлари инноватга олингани, қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда парламент азъоларидан ташқари кенг жамоатчилик, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, экспертлар ва илмий доира вакиллари, зиёлилар фавол иштирок этгани таъкидланди.

Европа Иттифоқининг инсон ҳуқуқлари бўйича махсус вакили И. Гилмор сўнгги йилларда Ўзбекистонда бўлаётган ўзгаришлар ҳақида сўз юритарқан, жумладан, болалар меҳнати ва маж-

бурий меҳнатга барҳам бериш борасидаги ютуқларини юқори баҳолаб, янгиланаётган Конституцияда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, фуқаролик жамиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган нормалар акс эттирилаётганини алоҳида ургулади.

Шунингдек, конституциявий исласотларда асосий эътибор аҳолига қаратилаётгани, диққат марказида инсон тургани, фуқароларнинг қўндалик турмуши ва эҳтиёжлари инноватга олинганини оқлашлади.

Айниқса, ўлим жазоси тақиқланиши конституциявий даражада белгиланаётганини юқори баҳолади. Делегация азъоларининг фикрича, ушбу норма билан давлатимиз бу ўта жиддий масалада ҳеч қачон ортга қайтмаслигини,

инсонпарварлик гояларига содиқ эканлигини бугун дунёга намоеён қилади.

Учрашув давомида меҳмонлар мамлакатимизда гендер тенгликни, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий фаолигини ошириш борасида амалга оширилаётган исласотлар билан ҳам батафсил таништирилди. Ўз навбатида, делегация азъолари мамлакатимизда гендер тенгликни таъминлаш борасида олиб борилаётган ишларни юқори баҳолади.

Икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳоқима қилинар экан, сўнгги йилларда Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар кенгайиб, сиёсий соҳадаги мулоқотлар фаоллашгани алоҳида қайд этилди. Шунингдек, келгусида инсон ҳуқуқлари бўйича ҳамкорликни кучайтиришга алоҳида урғу берилди.

Мулоқот якунида томонлар ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш ва амалий ҳамкорликни ҳар томонлама давом эттиришга келишиб олдилар.

«Халқ сўзи».

Конституциявий судда

ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида «Конституциявий исласотнинг моҳияти ва аҳамияти» янги Ўзбекистон — янгиланаётган Конституция» мавзусидаги халқро анжуман доирасида тадбир уюштирилди.

Йигирмадан ортик давлатлар экспертлари, парламент азъолари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этган ушбу тадбирда конституциявий исласотлар жараёнида Конституциявий суднинг ўрни ва аҳамияти эътироф этилди.

Конституциявий суд раиси Мирзо-Улугбек Абдусаломов амалга оширилаётган конституциявий исласотларда Конституциявий суднинг ролини алоҳида таъкидлаб, демократик исласотларни янада чуқурлаштириш конституциявий жараёнининг аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтди. Айниқса, Ўзбекистон тарихидаги

янги, биринчи тажриба — янгиланаётган Конституцияни халқ ўз иродасини билдириши учун умумхалқ референдуми ўтказилаётгани таъкидланди.

Шунингдек, тадбир иштирокчиларига Конституциявий суднинг асосий фаолияти ҳақида батафсил маълумот берилди.

Таъкидланганидек, янгиланаётган Конституцияда судьяларнинг ваколат мuddатига доир норма ўзгариши кутилмоқда, яъни Конституциявий суд судьясини бир мартабадан 10 йилга сайлашни белгиланган. Давра суҳбати иштирокчилари

«Халқ сўзи».

РЕФЕРЕНДУМ 2023



ХУСУСИЙ МУЛКА ЭГАЛИК
ҲУҚУҚИНИНГ ДАХЛСИЗЛИГИ

Ўзбек халқи фаровонлиги учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади

Чет эллик экспертлар Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳаси ҳамда бўлажак референдумга муносабат билдиришда давом этаётди.

Дунё нигоҳи

Чжао СИНЬЦИН, Хитойдаги "Jack Technology Co., Ltd" компаниялари гуруҳи раиси:



— Яқинда Ўзбекистонда мамлакатнинг янгиланажак Конституцияси лойиҳаси бўйича миллий муҳокамалар бўлиб ўтди. Бунинг натижаси уларок, 2023 йил 30 апрелда "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича умумхалқ референдуми ўтказилиши белгиланди.

Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчаларнинг қабул қилиниши ҳар қандай мамлакат, шу жумладан, Ўзбекистон сиёсий ҳаётида ҳам жуда муҳим воқеа ҳисобланади. Бу қонунга мавофиқ ҳамда инсоний ҳақларига алоҳида эътибор қаратган ҳолда давлат бошқаруви ва мамлакатни ижтимоий ривожлантиришни комплекс модернизациялаш дастурини амалга оширишнинг муҳим чорасидир. Бу Ўзбекистон ўзининг фаровон келажагини қуриш йўлидан қатъият билан бораётганини кафолатлади.

Давлат томонидан Конституциянинг барча норма ва қоидаларига риоя қилиниши халқнинг тушунтирилуши амалга ошириш таъминлашни аниқлаётди. Қонун устуворлиги одамларнинг бахт-саодати ва яхши ҳаётининг муҳим мазмуни ва гаровидир. Конституциянинг асоси халқни давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда намоён бўлади. Конституция одамлар қалбида чуқур идриқ отган тақдирдагина унга риоя этиши, ҳақиқатан ҳам, бутун халқнинг онгли ҳаракатига айланиши мумкин.

Ўзбекистон Конституциясига киритилган ўзгартишлар кўп миқлиятли халқнинг ҳуқуқлари ҳурмат қилинишини яхшироқ таъминлашга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир. Конституцияга киритилган ўзгартишлар Ўзбекистон халқи ва барча этник гуруҳларнинг умумий иродасини тўла акс эттиради. "Jack Technology Co., Ltd" компаниялари гуруҳи Ўзбекистоннинг

Асосий Қонунга киритиш таклиф қилинаётган конституциявий ўзгартиш ва қўшимчаларни юқори баҳолайди.

Яков СИЛИН, Урал давлат иқтисодий университети ректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Россия):

— Бугунги кунда Ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз, ўзбек дўстларимиз катта сиёсий тадбир олдида турибди — 30 апрель куни мамлакат Конституциявий қонуни лойиҳаси бўйича референдум бўлиб ўтади.

Сўнги йиллар давомида бизга яқин бўлган Ўзбекистоннинг иқтисодиётида, ижтимоий-сиёсий ҳаётида улкан иқтисодий ўзгаришлар рўй берганига гувоҳ бўлдик. Россия — Ўзбекистон муносабатларига, икки мамлакат жамоат таъшиқлотлари ўртасидаги ҳамкорлик соҳалари қамровини кенгайтириш, иқтисодиёт, бизнес, барча соҳадаги ҳамкорликка иккинчи тасвир кўрсатган муҳим ўзгаришлар рўй берди. Биз давлатлараро даражадаги муносабатлар қанчалар мустаҳкам эканлиги ва ривожланаётганига, алоқаларнинг қанчалар юқори даражаси ва уларнинг салмоқли самараларига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Сўнги йиллар давомида Ўзбекистонда ўз берган кўп жиҳатлар, менинг назаримда, янгилана



нажак Конституция лойиҳасида ўз аксини топган. Янги Ўзбекистонга — янги Конституция! Биз нима бўлаётганига ва қандай бўлишига, Ўзбекистон фуқароларининг бунга қандай муносабат билдиришига бефарқ эмасмиз. Мен бунга сабаб тарихида Россия ва Ўзбекистон университетлари ўртасидаги мавжуд муносабатларимизни қайд этишни истар эдим.

Урал давлат иқтисодиёт университети ва Ўзбекистоннинг бир қатор олийгоҳлари ўртасида мустаҳкам муносабатлар ўрнатилган. Масалан, Тошкент давлат иқтисодиёт университети билан юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш бўйича энг кучли, ҳақиқий

ва муваффақиятли дастурлардан бири беш йилдан буюн ҳаётга табиқ этилмоқда. Биз иккита диплом кўшама дастурини амалга оширмоқдамиз. Бундан ташқари, ўтган йили Урал давлат иқтисодиёт университети ва Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг 129 та битирув дипломини топшириш орқали биринчи ажойиб натижага эришдик. Бу йил салкам 300 нафар битирувчи бўлади. Биз нафақат бакалавр, балки магистратура дастурини ҳам ишлаб чиқдик ва амалга оширмоқдамиз.

Тошкент молия институти билан ҳам ўзаро ҳамкорлик ўрнатилганмиз. Ишонаманки, бу ҳам иштиқболли бўлади. Самарқанд давлат университети билан ҳамкорлик қиламиз. Свердловск вилояти Ўзбекистоннинг Фарғона вилояти билан ижтимоий-иқтисодий алоқаларни ривожлантириб, юқори натижаларга эришмоқда. Вилоятларимиз раҳбарлари бир неча бор учрашган, бизнес доиралари доимий мулоқотда, шартномалар тузилган, Ўзбекистонда ҳам, Россиянинг Свердловск вилоятида ҳам янги иш ўринлари яратилган.

Ана шундай самарали ҳамкорликка яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, бугун Россия Федерациясида ўқитган ёки меҳнат қилаётган Ўзбекистон фуқароларига мурожаат қилмоқчиман. Ўзбекистонлик барча дўстларимизни фуқаролик ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда янги Конституция бўйича ўз нуктаи назарини намоён этишга чақираман. Сизларни фуқаролик позициянгизни билдиришга, овоз беришда қатнашиш асосида янги Конституция орқали янги Ўзбекистонга янги имконият беришга даъват этаман.

Фариза ШАМ, Малайзия Ислоҳ цивилизация институтининг директори:

— Конституция давлатнинг асосий қонуни бўлиб, мамлакатда бутун ҳуқуқий тизимнинг асоси ҳисобланади. У бошқа қонунларнинг мазмуни ва моҳиятини белгилайди.

Замонавий глобаллашув шароитида бутун дунёда конституциявий ривожланишнинг ўзига хос моделларини излаш жадвал олиб борилаётган. Шубҳасиз, Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ҳамда жадал демократик ўзгариш ва ислохотлар шароитида мамлакат Конституциясига ҳам тегишли равишда ўзгариш киритилиши тушунарли ҳол, бу биринчи навбатда, республика фуқароларининг конституциявий ҳуқуқларини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Шу ўринда ҳужжат муҳокамаси чоғида аҳолидан 220 мингдан ортиқ таклифлар келиб тушгани



Ўзбекистон халқи томонидан конституциявий ислохотлар гоёси юксак даражада қўллаб-қувватланаётганидан далолат беришни алоҳида таъкидлашни истар эдим. Малайзия академик доираси вакили сифатида Ўзбекистоннинг янгиланажак Асосий Қонуни лойиҳасида ҳуқуқ ва таълим олиш, шунингдек, ўқитувчиларга конституциявий мақом бериш масалаларини янада кенроқ қамраб олиш мўлжалланаётганини жуда қувонарли ҳолдир.

Олий таълим муассасаларига академик эркинлик бериш, нодавлат таълим ташкилотларини қўллаб-қувватлаш нормалари ёш авлодга замонавий мутахассисликларни ўзлаштириш орқали ўз ҳаётини яхшилаш, орзуларини рўёбга чиқариш, ҳаётда ўз ўрнини топиш ва шахсиятини ривожлантириш учун жуда яхши имкониятларни яратди.

Бундан ташқари, таълим муассасаларида алоҳида эҳтиётчанлик билан раҳбарларнинг инклюзив таълим ва тарбия олишларини ташкил этиш, уларни умумий таълим ва бошқа мактабларга юбориш янги Ўзбекистонда инсон қадр-қиммати таъминлиги ривож этилишини яққол намоён қилади.

Ўқитувчиларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоялаш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий ўсиши ҳақида қайғуриш бўйича жорий этилаётган янги меъёр, шубҳасиз, мамлакат тарққиётида муҳим роль ўйнайдиган ўқитувчиларнинг ижтимоий мавқеи ва обрўсини янада юксалтиришга, уларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Умуман олганда, бўлажак референдум ва янги Ўзбекистонда янги Конституциянинг тасдиқланиши аҳоли фаровонлигини ошириш ва мамлакат иқтисодий равнақини жадаллаштириш, унинг дунёдаги илмий салоҳияти ва рақобатбардорлигини мустаҳкамлаш вазифаларини баҳарлашга хизмат қилишига ишончим комил.

Момоко ЧИБА, Жюнтендо университети профессори, тиббий фанлари доктори, Орол минтақаси бўйича тадқиқотчи (Япония):

— Сўнги йилларда Ўзбекистон

тонда экологик барқарорлиқни таъминлаш, аҳолининг қулай табиий муҳитга эга бўлиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, табиий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш, юзага келаётган экологик муаммоларнинг олдини олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш келинмоқда.

Шу асосда аҳоли экологик маданиятини юксалтириш ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилишда улар фаоллигини кучайтириш, соҳага ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, чиқиндилар билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш бўйича бир қатор самарали ишлар олиб бориляпти.

Ўзбекистоннинг янгиланажак Конституциясида фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлашга бағишланган махсус нормалар, хусусан, ҳар қил қулай атроф-муҳитга, унинг ҳолати тўғрисидаги ишончли ахборотга эга бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги, давлат томонидан атроф-муҳитни яхшилаш,



тиклаш ва муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш, Оролбўйи минтақасининг экологик тизимини муҳофаза қилиш ҳамда тиклаш юзасидан чоралар кўрилиши белгиланмоқда.

Ушбу нормалар табиий захиралар қисқарётган, глобал иқлим ўзгариши экология ва табиат билан боғлиқ муаммолар инсоният келажагига таҳдид солаётган ҳозирги даврда муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, Оролбўйидаги мураккаб экологик вазият, аҳоли генотипини муҳофаза қилиш, саломатлигини яхшилаш, ҳудудда барқарор ривожланишни таъминлашга қаратилган кенг қўламли лойиҳалар амалга ошириляпти.

Шу билан бирга, давлат томонидан Оролбўйи минтақасининг экологик тизимини муҳофаза қилиш ҳамда тиклаш, минтақани ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш юзасидан чоралар кўрилиши белгиланмоқда.

Ишонаманки, янгиланаётган Конституцияда ўшун норманинг белгиланиши минтақа аҳолиси учун муносиб яшаш шароитлари яратилиши ва турмуш даражасининг яхшиланишини таъминлайди.

«Дунё» АА.

"Халқ сўзи" газетаси учун махсус

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИЛАНАЁТГАН КОНСТИТУЦИЯСИ

фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, инсон қадр-қимматини юксалтириш, унинг эркинликларини таъминлашга қаратилган

Ҳиндистон оммавий ахборот воситалари Ўзбекистондаги конституциявий ислохотни кенг ёритмоқда.

раққиёт, ривожланиш ва фаровонлик йўлига олиб чиқади", деган сўзлардан иқтибос келтирилган. "Ўзбекистон Конституциясидаги 128 тадан 155 тага, нормаларини эса 275 тадан 434 тага ошириш таклиф этилмоқда. Умуман олганда, Асосий Қонун матнининг 65 фоизи янгиланмоқда. Ўзгартишлар сенаторлар сонини 100 нафардан 65 нафарга қисқартириш, Ўзбекистонни ижтимоий давлат деб эълон қилиш, маҳаллий Кенгашлар ваколатларини кенгайтириш ва бошқаларни ўз ичига олмақда", деб ёзган муаллиф.



Ўзбекистоннинг Деҳлидаги элчихонасида мамлакатимизда амалга оширилаётган конституциявий ислохотга бағишланган брифингда Ҳиндистоннинг етакчи оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда янгиланаётган Асосий Қонуннинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида батафсил маълумот берилди. Ҳинд оммавий ахборот воситалари яқинлашиб келаётган муҳим воқеа ҳақида туркум материаллар чоп этмоқда. Хусусан, "Press Trust of India" (PTI) ахборот агентлиги тарқатган мақолада Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Ўзбекистонда сўнги йилларда кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётгани, Конституцияга киритиш таклиф қилинаётган ўзгаришлар ушбу янгиланиш жараёнининг тарқийбий қисми экани қайд этилган.

"Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мажбуриятидир. Киритилаётган янги меъёрларга қараганда, инсон ва давлат органлари ўртасидаги юзага келаётган ноаниқликлар инсон фойдасига талқин қилинади. Конституцияда инсоннинг шахсий ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолати энг илгор халқаро стандартларга мувофиқ кучайтирилмоқда", деб таъкидланади "PTI" мақоласида.

"Asia News International" (ANI) ахборот агентлиги муҳбири Ўзбекистон ҳаётининг барча жабҳасига изчил ислохотлар таъбиқ этилаётгани, салмоқли натижаларга эришиляётгани, халқаро ҳамжамиятда "Янги Ўзбекистон" ташунасига шаклланаётгани ҳақида ёзган.



"Таниқли ҳуқуқшунослар, олимлар ва турли соҳаларнинг етакчи мутахассисларидан иборат Конституциявий комиссия мамлакатнинг амалдаги Асосий Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар тайёрлаш бўйича катта қўламадаги ишларни амалга оширди, бунинг натижасида "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳаси тайёрланди.

Янги Ўзбекистонни барпо этишга хизмат қилаётган конституциявий референдум ортида ўзбек халқининг хоҳиш-иродаси турибди", деб урғулайди "ANI" муҳбири.

"The Economic Times" газетаси мақолада мамлакат Конституциясига яхлит ва кенг қамровли ўзгаришлар

киритиш мақсадида 190 давлат, жумладан, Ҳиндистон конституциялари ўрганилганга эътибор қаратилган.

Сўнги йилларда мамлакат ҳаётининг барча жабҳасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётгани, конституциявий ислохот аниқ шу ўзгаришларнинг тарқийбий қисми экани қайд этилган.

Мақолада яқинлашиб келаётган референдум Ўзбекистоннинг амалдаги Конституциясининг қарийб учдан икки қисмини ўзгаришга қаратилгани ҳақида баён қилинган ва мамлакатимиз элчисини Дилшод Аҳатовнинг "Конституциямиз яхлит ва кенг қамровли бўлиб, Ўзбекистонни янги та-

тутиляпти. Шунинг учун бундай имкониятлар инклюзив таълим сифатида Конституцияга киритилмоқда. Бу шундай нуқсонларга эга болаларнинг яқаланиши қолмаслиги, жамиятнинг тўлақонли азёсои сифатида шаклланиши ва камол топиши учун муҳим қафолатдир.

Конституцияда давлатнинг ўқитувчилар шаъни ва қадр-қимматини ҳимоялаш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсишига ҳамғўрлик кўрсатиш мажбурияти кучайтирилмоқда.

Бу қоидалар мамлакатимиздаги 685 миң нафардан ортиқ ўқитувчиларнинг профессионал ўсиши ҳамда ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватланиши, уларнинг жамиятга давлат иштирокчилиги, профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг ўқув жараёнидаги мустақиллигини таъминлашга хизмат қилади.

Юқоридаги таклиф этилаётган моддалар тахлилдан қилиниб турибдики, фуқаро ҳуқуқи ва эркинликларини, шахс дахлсизлиги, фуқаролик жамияти институтлари, ижтимоий ҳимояга оид янги тахрирдagi моддалар, фан ва таълим соҳасига оид моддаларнинг киритилиши инсон қадрли устувор бўлган янги Ўзбекистонни барпо қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Мақолада яқинлашиб келаётган референдум Ўзбекистоннинг амалдаги Конституциясининг қарийб учдан икки қисмини ўзгаришга қаратилгани ҳақида баён қилинган ва мамлакатимиз элчисини Дилшод Аҳатовнинг "Конституциямиз яхлит ва кенг қамровли бўлиб, Ўзбекистонни янги та-

тутиляпти. Шунинг учун бундай имкониятлар инклюзив таълим сифатида Конституцияга киритилмоқда. Бу шундай нуқсонларга эга болаларнинг яқаланиши қолмаслиги, жамиятнинг тўлақонли азёсои сифатида шаклланиши ва камол топиши учун муҳим қафолатдир.

Конституцияда давлатнинг ўқитувчилар шаъни ва қадр-қимматини ҳимоялаш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсишига ҳамғўрлик кўрсатиш мажбурияти кучайтирилмоқда.

Бу қоидалар мамлакатимиздаги 685 миң нафардан ортиқ ўқитувчиларнинг профессионал ўсиши ҳамда ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватланиши, уларнинг жамиятга давлат иштирокчилиги, профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг ўқув жараёнидаги мустақиллигини таъминлашга хизмат қилади.

Юқоридаги таклиф этилаётган моддалар тахлилдан қилиниб турибдики, фуқаро ҳуқуқи ва эркинликларини, шахс дахлсизлиги, фуқаролик жамияти институтлари, ижтимоий ҳимояга оид янги тахрирдagi моддалар, фан ва таълим соҳасига оид моддаларнинг киритилиши инсон қадрли устувор бўлган янги Ўзбекистонни барпо қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Мақолада яқинлашиб келаётган референдум Ўзбекистоннинг амалдаги Конституциясининг қарийб учдан икки қисмини ўзгаришга қаратилгани ҳақида баён қилинган ва мамлакатимиз элчисини Дилшод Аҳатовнинг "Конституциямиз яхлит ва кенг қамровли бўлиб, Ўзбекистонни янги та-

«Дунё» АА. Деҳли.

УСТОЗГА БЎЛГАН ЮКСАК ЭҲТИРОМ ИФОДАСИ

Мамлакатимизнинг амалдаги Конституцияси 1992 йилнинг 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашида қабул қилинган эди. Конституция билан давлат ва жамият ривожланишнинг демократик тамойиллари белгиланган бўлиб қўйилди. Республикада рўй бераётган демократик ўзгаришлар давомида Конституцияга ҳам ўзгаришлар киритиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ҳозирги кунга қадар 16 марта ўзгариш ва қўшимчалар киритилган.

Фикр

Бугунги кунда ахборотлашган, ҳуқуқий-демократик жамият шиддат билан ўзгариб бормоқда. Бунга ҳар бир жабҳада сезиш мумкин. Айниқса, замона заили билан кўп қонунларнинг эскириши ва бугунги кун талабига жавоб бериши қилиниши натижасида уларнинг ўрнига жамиятимиз ривожига муносиб меъёрий асос вазифасини ўтовчи янги қонун лойиҳаларининг ишлаб чиқиши ва халқ муҳокамаси асосида қабул қилиниши қувонарли ҳол. Асосий қонунимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўзгаришга оид қонун лойиҳасининг халқ муҳокамасига қўйилиши ҳам шу жумладандир. Юрбошимиз "Ҳозирги таҳлилки замон, ён-атрофимиздаги мураккаб вазият она Ватанимиз тақдирига янада улкан масъулият билан ёндашиб, кенчиктириб бўлмайдиган стратегик қарорлар қабул қилиниши тақозо этилмоқда" деб Конституцияга ўзгариш киритиш зарурати қанчалик муҳим эканлигини аниқ ва равшан ифода қилди берди.

Шу муносабат билан айни дамгача юртимизнинг бугуни ва келажаги ҳақида қайғурган ҳар бир шахс борки, Конституцияга ўзгариш киритиш борасида ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирмоқда. Хоразм Маъмуни академияси жамоаси ҳам ушбу мухомака жараёнидан четда қолгани йўқ. Бир қанча олимларимиз ўз фикрлари билан қонун лойиҳаси муҳокамасида иштирок этиб келмоқда.

Бугунги кунда фан ва таълимнинг кучли интеграцияси ҳамда юқори даражада ўсиш суръатлари кузатишмоқда. Шу сабабдан бу борада ҳам янги нормалар қабул қилиниши эҳтиёжи, хусусан, олим ва педагогларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоялашнинг меъёрий-ҳуқуқий тизими мустаҳкамлашни зарурати мавжуд эди. Бу ҳақида Юрбошимиз ҳам алоҳида таъкидлади: "Улуғ аждодларимизнинг янги баркамол авлодини тарбиялаб вояга етказмоқчи эканмиз, бунинг учун бочча, мактаб, олий таълим ва илм-фан соҳа-

ларини устувор тараққий эттиришни конституциявий даражада мустаҳкамлаб қўйишимиз шарт.

Бош қомусимизда давлат мактабгача таълим, мактаб ва олий таълим тизимини, турли мулк шаклидаги, жумладан, хусусий таълим муассасаларини ривожлантириш учун зарур шароитлар яратиш бериши билан боғлиқ нормалар ҳам бўлиши лозим.

Устозга бўлган юксак эҳтиром Конституциямизда ўз ифодасини топиши зарур. Шунингдек, педагог ходимларнинг касбий фаолиятга аралашishi, уларнинг хизмат мажбуриятларини бажаришига тўқсонлик қилишга йўл қўйилмаслигини Конституция даражасида белгилаб қўйсақ, ўйлайманки, адолатдан бўлади" дея таклиф билдирган эди.

Ушбу таклиф юзасидан Асосий Қонунимизнинг янгиланган лойиҳасида таълим ва илм-фанга оид қуйидаги мазмунда янги тахрирдagi моддалар киритилиши кўтилмоқда:

- 50-модда. 1-қисми Ҳар қил таълим олиш ҳуқуқига эга. 2-қисми Давлат узлуқсиз таълим тизими, унинг ҳар қил турлари ва шакллари, давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ривожланишини таъминлайди. 4-қисми Давлат бепул умумий ўрта таълим ва бошланғич профессионал таълим олишни кафолатлайди. Умумий ўрта таълим мажбурийдир. 5-қисми Мактабгача таълим ва

тарбия, умумий ўрта таълим давлат назоратидадир.

6-қисми Таълим ташкилотларида алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болалар учун инклюзив таълим ва тарбия таъминланади.

51-модда. Фуқаролар давлат таълим ташкилотларида танлов асосида давлат хисобидан олий маълумот олишга ҳақли. Олий таълим ташкилотлари қонунга мувофиқ академик эркинлик, ўзини ўзи бошқариш, тадқиқотлар ўтказиш ва ўқитиш эркинлиги ҳуқуқига эга.

52-модда. Ўзбекистон Республикасида ўқитувчиларнинг меҳнати жамият ва давлатни ривожлантириш, соғлом, баркамол авлодини шакллантириш ҳамда тарбиялаш, халқнинг маънавий ва маданий салоҳиятини сақлаш ҳамда бойлигининг асоси сифатида эътироф этилади. Давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ҳамғўрлик қилади.

53-модда. Ҳар қилма илмий, техникавий ва бадиий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Интеллектуал мулк қонун билан муҳофаза қилинади.

Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланиши ҳақида ҳамғўрлик қилади. Мазкур киритилган моддалар жамиятимизнинг бир неча муҳим катламни ижтимоий ҳимоя қилиш, бепул таълим олишни таъминлаш, жамиятдаги ўз ўрнини мустаҳкамлаш билан боғлиқ муаммолар-

Икром АБДУЛЛАЕВ, Хоразм Маъмуни академияси раиси, биология фанлари доктори, профессор.

Жамоат транспорти:

Йўллардаги «ПРОБКАЛАР», «ИМИЛЛАЁТГАН» АВТОБУСЛАР ВА КЎЧАЛАРНИ ЁПИБ ҚЎЯЁТГАН ЕНГИЛ АВТОМОБИЛЛАР

Жорий этилаётган янги тизим бу муаммоларга барҳам бера оладими?

“Жаҳон иқтисодиёти форуми” сайтида хабар қилинишига кўра, дунёдаги 60 та йирик шаҳарда тадқиқот олиб борилиб, жамоат транспортининг шаҳар тараққиётига ижтимоий таъсири ўрганилганда, Гонгконг энг яхши шаҳар, деб топилган. Шаҳар транспорт тармоғи нафақат арзонлиги, балки энг яхши йўл инфратузилмасига эга экани билан ҳам мақтовга сазовор. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, сайёҳларга шаҳар бўйлаб яхшироқ сайр қилишда ёрдам бериш учун смартфон иловасидан фойдаланиш таклиф қилинади. Кейинги юқори ўринлари Цюрих, Стокгольм, Хельсинки, Осло, Париж, Берлин ва Лондон шаҳарлари эгаллади.

дунёдаги илгор шаҳарлардаги каби транспорт хизматини йўлга қўйиш бўйича фаол иш олиб борилмоқда. Бу борада Президентимизнинг 2023 йил 16 февралдаги “Жамоат транспорти тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида жамоат транспортини молиялаштиришнинг амалдаги тизими ҳаракат таркибини янгилаб бориш ва соҳага хусусий инвестицияларни кенг жалб қилиш тартиблари белгиланди.

Умуман, бугунги кунда йўлларда енгил автомобиллар кўпайиб, қатнов кийинлашиб бораётган пайтда, жамоат транспортлари орқали аҳолига хизмат кўрсатиш даражасини юксалтириш юзасидан мазкур қарор асосида қандай ишлар амалга оширилмоқда? Бу хусусда Транспорт вазирлигининг департамент бошлиғи Руслан РҶЗМЕТОВнинг фикрлари билан қўзғайлик.



ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

- Яқинда Тошкентга Хитойда ишлаб чиқарилган 233 та автобус ва электробус келтирилди. Бу биринчи партия бўлиб, шундан 100 таси "Yutong" электробуси, 103 таси ҳам "Yutong" бренди остидаги, узунлиги 12 метр бўлган, сиқилган табиий газда ҳаракатланувчи автобус, 30 таси эса ўта катта сиғимдаги (18 метрли) "King Long" автобусидир.
Алоҳида йўлакларни ташкил этиш ҳисобида автобусларнинг ўртача ҳаракат тезлиги 7 — 17 км/соатдан 25 км/соатга, яъни 47 фоиз ошишига эришилди.
Янги автобусларни келтириш орқали қўшимча 4,5 миллион нафардан зиёд йўловчилар жамоат транспорти билан қамраб олинади.
Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва БМТ Тараққиёт дастурининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида "Тошкент — кам углеродли автотранспортга инвестициялар жалб этишни жадаллаштириш" лойиҳаси амалга оширилмоқда.
Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳамда Европа тиклиши ва тараққиёт банки ўртасида Самарқанд шаҳар жамоат транспорти учун 350 та электробус харид қилиш ҳамда улар билан боғлиқ инфратузилмани яратиш бўйича умумий қиймати 95 миллион долларлик лойиҳа ҳаётга татбиқ этилмоқда.



— Руслан Ҳайтович, албатта, йўлларда хусусий автомобиллар кўпайиб кетганини туғайиб юзага келган тирбандликлардан кўз юма олмаймиз. Аммо автобусларнинг вақтида ўз манзилга етиб кела олмаслиги фақат тирбандликларга боғлиқ, десак, хато бўлади назаримда. Шундай эмасми?

ишончи пасаяди. Бу эса аҳолининг жамоат транспортдан фойдаланиш улуши камайишига олиб келади. Албатта, бундай ҳолат рўй бераётгани тизим эскирганини, соҳага янги инновацияларни олиб кириш зарурлигини кўрсатиб турибди.

Энди янги тизим ҳақида айтадиган бўлсак, шунақа бир механизм жорий қилинатгани, ташувчиларнинг бажарган иш ҳажми ва сифатига қараб маош молиялаштирилади. Яъни ҳар битта корхона тендер орқали олган йўналишнинг масофаси, хизмат кўрсатаётган автобуслар сони ва қатновлар ҳажмидан келиб чиқиб, босиб ўтилган йўл белгиланади.

— Қарор асосида транспорт паркинчи янгилаш бўйича ҳам қатор имтиёз ва имкониятлар яратиш белгиланди, келинг, шу хусусда фикрлашсак...

— Ушбу тизим доирасида ҳар битта хусусий сектор, хусусий корхона ёки ташувчи автобус паркинчи ўзи янгилаб бориш механизми жорий қилинди. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, йўналишнинг максимал қиймати белгиланганда автобусларнинг нархини ҳам ўз ичига олади. Яъни ташувчи ўз автобуси билан ушбу тендерда қатнашиб, йўналишда фаолият кўрсатади. Автобус паркинчи хусусий секторлар томонидан янгилаш мақсадида импорт қилинадиган автобуслар учун қўшимча қиймат солиғини бўлиб-бўлиб тўлаш ва 10 йилга бўлган кредитларни бериш тизими йўлга қўйилди. Нимага 10 йил? Чунки техник жиҳатдан қарайдиган бўлсак, ҳар бир автобуснинг ўртача эксплуатацион фойдаланиш мuddати 10 йил қилиб белгиланган. Бу борада қисқа мuddатли кредитлар транспорт паркинчи янгилаш имкониятини бермайди. Чунки автобус фаолият кўрсатгандан кейин ҳаражати оқлаб, ўзининг ижобий натижасини беради. Шунинг учун 10 йилга бериладиган кредитлар хусусий тадбиркорлар томонидан автобуслар паркинчи янгилашда жуда катта аҳамиятга эга.

— Йўлларда автомобиллар кўпайиб кетгани оқибатида юзага келган тирбандлик жамоат транспортлари оралиқ мувозанатининг бузилишига таъсир қилади. Бунинг олдини олиш учун қандай чора-тадбирлар кўрилмақда?

— Шаҳар йўловчи транспортининг ҳаракат устуворлигини, шаҳар кўчаларида тўсиқсиз ҳаракатланишини таъминлаш мақсадида, Тошкент шаҳрининг марказий кўчаларида, жумладан, Амир Темури шоҳқўчасида — 7,15 км., Навоий кўчасида — 3,75 км., Фарғона йўли кўчасида — 11,9 км. узунликдаги жамоат транспортининг алоҳида йўл бўлақлари ташкил этилди. Шунинг ҳисобига автобусларнинг ўртача ҳаракат тезлиги 7 — 17 км/соатдан 25 км/соатга, яъни 47 фоизга ошишига эришилди.

Тошкент шаҳри кўча-йўл тармоғи ўтказувчанлик қобилиятини ошириш ва йўл-транспорт инфратузилмаси лойиҳаларини ишлаб чиқиш мақсадида Транспорт вазирлиги ҳузурида йўлга қўйилган “Лойиҳа офиси” томонидан Тошкент шаҳрининг асосий магистраль йўлларида транспорт

ўтказувчанлиги ҳамда ташув қувватини ошириш мақсадида 2022 йил учун белги-ланган 140 та чорраҳадан 139 тасида “чорраҳа лойиҳалари” ишлаб чиқилди. Бугунги кунда мазкур лойиҳалар асосида 90 та чорраҳада ишлаб якул-ланиб, 16 тасида қурилиш-монтаж ишлари давом эттирилмоқда. Бу ишлар якунлан-ган чорраҳаларда транспортларнинг кунлик ўтказувчанлиги 21,2 миңгага ёки 12 — 15 фоизга ошган.

“Лойиҳа офиси” мутахассислари томо-нидан шаҳарнинг асосий кириш нуқталари орқали ҳаракатланадиган 36 та коридор аниқланиб, 13 тасининг ўтказувчанлик қобилиятини ошириш бўйича лойиҳа иш-лаб чиқилди. Унга кўра, ушбу коридорлар-да ҳам жамоат транспорти ҳаракатлани-ши учун алоҳида йўлаклар ажратилиши кўзда тутилган. Бундай имконият мавжуд бўлмаган кўчаларда эса “ақли” свето-фор, “ақли” чорраҳа каби технологиялар-ни қўллаган ҳолда жамоат транспортга устуллик бериш режалаштирилган.

Шунингдек, Тошкент шаҳрига кириб кел-аётган енгил автомобилларнинг кунлик оқимини камайтириш мақсадида маълум нуқтаalarda “park and ride” тизимини жор-ий этиш, яъни шаҳар ташқарисида қури-ладиган қулай автомобиль тўхташ жойла-рида фуқаролар ўз шахсий транспортини қолдириши ва пойтахтимизга жамоат транспортда кириб, иши биттач, яна ав-томобилини қолдирилган жойидан олиб кетишлари мумкин бўлган тизим ярати-



лади. Бу орқали Тошкент шаҳрига кириб келувчи автотранспортлар сони камайи-шига ҳамда тирбандликларнинг олди оли-нишига эришилади.

— Автобусларнинг қатнов жадва-лига қатъий амал қилиши ва оралиқ масофалар назоратида қандай янги-ча тартиб жорий этилмоқда?

— Ҳозирги кунда кўп вақт оладиган ёки самарасиз, асосан, бир-бирини тақро-ровчи йўналишлардан воз кечилиб, ақоли ўртасида сўровнома ўтказган ҳолда ҳар битта вилоят маркази ва Тошкент шаҳри-да йўналишлар тармоғи шакллантирилади. Шу асосда ушбу тизимнинг механиз-млари ишлаб чиқилади ва тендер асосида ташувчилар аниқланганидан кейин сифат ва ҳажми қараб ҳас тўланади.

Албатта, бу йўналишларни ташкил қилишдан олдин аҳоли билан сўровнома-лар ўтказилади. Ҳар битта автобусга “jps” муқиммалари ўрнатилади ва вилоятлар марказларида алоҳида марказлашган дис-петчерлик хизматлари ташкил қилинади. Ушбу диспетчерлик хизматлари ҳар бит-та йўналишнинг кўрсаткичлари киритила-ди, яъни нечта автобус бир кунда фаоли-ят кўрсатиши керак, нечта қатновни амал-га ошириши ва оралиқ масофалар онлайн тарзда қайд қилиб борилади. Қайси бе-катга автобус қанчага кечикиб келди ёки қайси қатновни бажармади, бу ҳам он-лайн тарзда ўрганилиб, ташувчилар бил-ан ҳисоб-китоб қилинганда инobatта оли-нади. Бундан ташқари, назоратчилар гу-руҳи фаолияти йўлга қўйилгани, улар ав-тобусларнинг тозалиги, ҳайдовчиларнинг муомаласи ва ташқи кўринишига эътибор қаратади.

— Бугунги кунда Тошкент шаҳрида йўловчи ташувчи электробуслар фаолият синовдан яхши ўтмоқда. Шундай экан, келгусида электро-буслар сони кўпайтириш мўлжал-ланиптими?

— Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг 2022 йил 2 февралдаги қарори билан Тошкент шаҳар жамоат транспорти тизимини 2025 йилгача ривож-лантириш концепцияси қабул қилинган. Мазкур концепциянинг асосий мақсади аҳолининг жамоат транспортдан фойда-ланиш даражасини камида икки баравар ошириш, йўловчиларга қулай ва хавфсиз ҳаракатланиш муҳитини яратиш ҳамда транспортнинг атроф-муҳитга салбий таъ-сирини камайтириш орқали шаҳарда экологик ҳолатни яхшилашдан иборат.

Хусусан, концепцияда 2025 йилгача Тош-кент шаҳрида жамоат транспортини қулай ва экологик тоза ҳаракат таркиби билан янгилаш йўли орқали атроф-муҳитга салбий таъсири 35 фоизга камайтириш белги-ланган.

Ушбу қарорга асосан, Тошкент шаҳри-

умумий қиймати 95 миллион долларлик лойиҳа амалга оширилмоқда.

Айни пайтда вилоят транспорт бош-қармаси муассислигидаги “Самарқанд йўловчи транс” давлат корхонаси томони-дан электробусларни келтириш юзасидан амалий ишлар олиб борилмоқда.

— Янги автобуслар нега айнан Хитойдан харид қилинмоқда, бу транспорт воситаларининг нархи би-лан боғлиқми?

— Тавқидлаш кераки, республика-ми-да автобус транспортда хизматлар кўрсатиш соҳаси хусусийлаштирилган бўлиб, бу борада фаолият юритаётган корхоналарнинг 90 фоиздан ортиғи ай-нан хусусий секторга тўғри келади. Бу эса тадбиркорлар томонидан сотиб олинаёт-ган автобусларда эркин танловлар мав-жудлигини, бозордаги тақлифлар ораси-дан бизнинг шароитга энг мақбуллари танлаб олинаётганини билдиради. Бу-гунги кунда энг асосий қўрсаткич, бу ав-тобуслар нарҳидир.

Табиийки, бугунги кунда Европа дав-латлари, Япония, Жанубий Корея каби мамлакатларнинг ишлаб чиқарувчилари-дан кўра анча арзонроқ бўлган Хитой ишлаб чиқарувчилари бу борада устуллик қил-моқда. Бундан ташқари, Хитой давлатидан сотиб олинган автобуслар учун эҳтиё-қ қимсалар ва хизмат кўрсатиши ҳам ни-сбатан арзон. Шунингдек, мамлакатимиз-да йўловчи ташуш фаолияти билан шу-ғулланаётган корхоналарда “Самарқанд автомобиль заводи” МЧЖда ҳамда “TRUCK AND BUS TRADE GROUP” МЧЖда ишлаб чиқарилаётган ISUZU ва MAN автобусларига ҳам талаб мавжуд.

Президентимиз томонидан имзо-ланган норматив ҳужжатларда 2026 йилга қа-дар аҳоли пунктларининг жамоат транспор-ти билан қамровини 95 фоизга етказиш бел-гиланган. Хусусан, ўрта ва йирик шаҳар-ларда бу транспортдан фойдаланиш улу-шини 22 фоиздан 35 фоизга ошириш, 278 та янги автобус йўналиши очиш, 60 та янги шаҳарларга йўналишни ташкил этиш режалаштирилган. Янги автобусларни келтириш ва ушбу кўрсаткичларни баж-ариш орқали қўшимча 4,5 миллион нафар-дан зиёд йўловчини жамоат транспорти билан қамраб олишига эришилади.

— Йўловчи ташушда тизим ўзгарган йўлқирани йиғишда ҳам янгича тартиб жорий этилаётми? Электробус ва бошқа шаклдаги тўлов-га қачон тўлиқ ўтилади?

— Жамоат транспортда жорий эти-лаётган янги тизимнинг муҳим таркибий қис-ми сифатида йўловчилар учун қулай та-рифларни жорий қилиш ҳамда электрон тўловларни оммалаштириш бўйича бир қатор тадбирлар амалга оширилади. Бун-да йўловчилар бир соат давомида бир йўналишдаги йўловчилар транспортдан бошқасига ўтишда имтиёзга эга бўлади, айрим ҳолатларда эса бепул юради.

Йўловчилар учун қуни тўловларни тўлаш, қасалларда навбатда туриш ва вақт йўқотишдан қўчиш учун жамоат транспор-тида кунлик, ҳафталик, бир, уч ва олти ойлик, йиллик чекланган ҳамда чекланма-ган тариф режалари жорий этилади. Бу тариф режаларидан фойдаланган йўловчилар учун чегирмалар бериш кўзда ту-пилади. Шунингдек, йўналишларда йўл ҳақини тўлашда электрон тўлов тизимидан фой-даланишни рағбатлантирувчи тарифлар белги-ланади. Яъни йўлқира электрон тўлов тизими орқали тўланганда нақд пулга ни-сбатан арзонроқ бўлади. Бу жаҳон тажи-рибасидан ўтган ва ўзини оқлаган тизим бўлиб, йўловчиларни йўл ҳақини тўлашда нақд пулдан кўра электрон тарзда тўлаш-га рағбатлантиради.

Жамоат транспортининг жозибдорли-гини таъминлаш, йўналишларда барқарор ҳаракат тезлигини йўлга қўйиш, аҳоли учун қулайлик яратиш мақсадида вақтга би-риктирилган дифференциал тариф режа-ларини амалиётга киритиш кўзда тутил-ган. Унда бир соат ичида автобусдан ав-тобусга биринчи марта ўтиш 70 фоизгача арзонлашади, иккинчи ва кейинги ўтиш-лар йўловчи учун бепул бўлади. Автобус-дан метрога ёки метродан автобусга ўтиш-да тариф 30 фоизгача арзонлашади. Шу билан бирга, жамоат транспортдан кун-лик фаол фойдаланувчилар учун бир кун-лик лимитсиз тарифлар жорий этилади.

Фахриддин БОЗОРОВ (Халқ сўзи) сўхбатлашди.



Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 441. 18 225 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда. ГАЗЕТАМИЗ ҲАҚИДАГИ МАЪЛУМОТЛАРНИ КЎЛАБ ОЛИШ УЧУН ОҚ-ҚИЗНИНГ ТЕЛЕФОННИК СИРАЛИ СКАНЕР ҚИЛИНГ. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-233-52-55; Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15. МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуготчилар кўчаси, 32-уй. НАВБАТЧИ МУҲАРРИР — Н. Остонов. МУСАҲҲИЧ — С. Исломов. "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ БОСМАХОНАСИ. Корхона манзили: Буюк Турун кўчаси, 41. ЎЗА Якуни — 01.40 Топширилди — 02.15 1 2 3 4 5 6